



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 09 | pp. 406-414 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАР МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ



Идирисов Алишер Отажонович,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада бевосита ва билвосита солиқлар маъмуриятчилигини ташкил этиш, жумладан мазкур туркумга кирувчи солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш қоидалари, давлат бюджетдаги фискал аҳамияти, шунингдек маъмуриятчиликни такомиллаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилади.

Калит сўзлар: Бевосита солиқлар, билвосита солиқлар фойда солиғи, даромад солиғи, ресурс солиқлари, солиқ солиш объекти ва базаси, солиқ даври, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари.

Кириш.

Мамлакатларнинг иқтисодий таянчи ҳақида сўз кетар экан, кўз ўнгимизда солиқлар ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлади. Дунёдаги ҳар бир давлат борки, унинг молиявий воситасини, таянчини солиқлар билан боғлашнинг имкони бўлмайди. Шу сабабли солиқ тизими давлатлар иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади ва мамлакатни ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига эришишда муҳим механизм рўлини бажаради.

Мамлакатимизда амалда бўлган солиқларни иқтисодий моҳиятига кўра бевосита ва билвосита солиқлар гуруҳига ажратишимиз мумкин. Ҳозирги кунда бизнинг мамлакатимизда ҳам бевосита ва билвосита солиқлар бўйича тушумлар давлат бюджети даромадларини шакллантиришда муҳим фискал аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда солиқ юкини изчилик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, шу билан бирга солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш солиқ сиёсатининг биринчи гадаги вазифаларидан ҳисобланади. Бу ўз навбатида, иқтисодиётимизни жадаллик билан ривожлантириш ҳамда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини янада яхшилашда энг муҳим омиллар бўлиб хизмат қилади.

Айтиб ўтишимиз мумкинки, солиқ соҳасида ўтган йиллар давомида олиб борилган ислохотлар солиқ юкини пасайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай муҳитни шакллантириш вазифаларини амалга оширишга қаратилган янги имкониятларни янада кенгайтди.

Бизнингча, мамлакатлар бюджетда бевосита солиқлар улушининг юқорилиги - бу корхоналар ва фуқароларнинг даромадлари юқорилигини кўрсатиши, иқтисодиётнинг ривожланганлиги ва барқарорлигини англатиши мумкин. Шунингдек, билвосита солиқлар улушининг юқорилиги эса истеъмол ҳажмининг катталигини, иқтисодиётда норасмий секторнинг улуши бироз юқорилигини, солиқларни йиғиш самарадорлиги яхши йўлга қўйилганлигидан дарак бериши мумкин. Тадбиркорлик субъектларига комплекс хизматлар кўрсатишни, шунингдек улар томонидан солиқ мажбурияти ихтиёрий бажарилишини таъминлашга қаратилган солиқ маъмуриятчилиги тизимини ташкил қилиш, бунинг натижасида эса хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш жараёнларини рағбатлантириш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фикримизча, Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини янада оширишга қаратилган ислохотларни изчил тарзда давом эттириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мамлакатимизда бевосита ва билвосита солиқлар маъмуриятчилигига оид бўлган муносабатларни тартибга солиш мақсадида бир қанча қонун-ҳужжатлари амалиётга жорий этилган. Мазкур қонун-ҳужжатларида бевосита ва билвосита солиқларга оид солиқ маъмуриятчилиги ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланган.

Амалдаги қонунчиликда бевосита ва билвосита солиқларнинг тўловчилари, солиқ солиш объекти ва базаси, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқ имтиёзлари, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби ҳамда тўлаш тартиб-қоидалари кўзда тутилган¹.

Жорий йил 1 январдан Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчаларга мувофиқ бевосита солиқлар маъмуриятчилигининг айрим қоидалари янада такомиллаштирилди. Жумладан, фойда солиғи бўйича ҳар ойнинг 15 санасидан кечиктирмай тўланадиган бўнак тўловларини тўлаши лозим бўлган тадбиркорлик субъектлари даромадининг чегаравий миқдори 5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга оширилиши белгиланди, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида ёки товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида 100 миллион сўмдан ошган кундан эътиборан Солиқ кодекси мақсадида яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиққа тортилиши ва бунда ўзини ўзи банд қилган шахслар ижтимоий солиқни Солиқ кодексида белгиланган тартибда тўлашини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди. Бундан ташқари, айланмадан олиннадиган солиқнинг қатъий белгиланган суммада тўловчи солиқ тўловчилар учун солиқ белгиланган ставкалари жами даромадлари 500 миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар учун солиқ ставкаси 20 млн. сўмдан 25 млн. сўмга, жами даромадлари 500 миллион сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар учун солиқ ставкаси 30 млн. сўмдан 34 млн. сўмга оширилди. Шунингдек, солиққа тортиш

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солиқ кодекси, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулклар бўйича жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғига тортиш базаси юридик шахслардаги каби 1 кв метри учун белгиланган мутлақ қийматдан паст бўлмаслик шarti белгиланди, шунингдек мол-мулк ва ресурс солиқларининг жорий йил учун ставкалари индексация қилинди. Шунингдек, Солиқ кодексининг айрим моддаларига киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчаларга мувофиқ билвосита солиқлар маъмуриятчилигининг айрим қоидалари янада такомиллаштирилди. Жумладан қўшилган қиймат солиғи бўйича айрим солиқ имтиёзлари жорий йилнинг 1 апрелидан бекор қилинди, шунингдек таркибида шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар бўлган, газланган ҳамда истеъмол қадоғига қадоқланган ичимликларнинг 1 литр ҳажми учун 500 сўм миқдорида ҳамда энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликларнинг 1 литр ҳажми учун 2 000 сўм миқдорида акциз солиғи жорий этилди².

Шу билан бир қаторда мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун солиқ солиш мақсадларида белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳам индексация қилинди³.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва “Қўшилган қиймат солиғи базасини товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомлар тасдиқланган. Мазкур қонун-ҳужжатлари қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш шартлари ва тартибини, ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ва уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартибини ҳамда қўшилган қиймат солиғи базасини товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаш тартибини белгилайди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида жорий йил 20 август куни ўтказилган навбатдаги учрашувида тадбиркорлик учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича муҳим янги ташаббуслар билдирилиб ўтилди. Жумладан, бизнесни инфратузилма, ер ва энергия билан таъминлаш, ички бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш, ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда хизматлар соҳасига янги туртки бериш каби бир қатор йўналишларда ташаббуслар илгари сурилди.

Бунинг натижасида эса 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар умумий овқатланиш корхоналарига фойда солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилмоқда ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ёрдамчи бино ва иншоотлар жойлашган ер участкаларига нисбатан солиқ солишни такомиллаштириш бўйича

² Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

³ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 489-сонли қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши кўзда тутилмоқда. Мамлакатимизда 2025 йил 1 январдан бошлаб электрон онлайн аукцион савдоларида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини мулк ҳуқуқи асосида реализация қилиш бўйича айланмани қўшилган қиймат солиғидан озод этиш амалиёти жорий этилмоқда. Шунингдек, 2024 йил 1 октябрдан бошлаб туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини, 2025 йил 1 январдан бошлаб умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига 2028 йил 1 январгача ҳар ойнинг 25 санасига қадар тўланган қўшилган қиймат солиғининг ойлик товар айланмасининг нақд пулсиз (тўлов терминаллари ёки мобил тўловлар орқали) қисми 60 фоиздан ошган умумий овқатланиш корхоналарига — бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғининг 40 фоизи, 60 фоиздан кам умумий овқатланиш корхоналарига — бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғининг 20 фоизи, туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига — бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғининг 20 фоизи республика бюджетидан қайтариш тизими жорий этиладиган бўлди⁵.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада статистик маълумотларни гуруҳлаш, қиёслаш, солиштирма таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Шунингдек, бевосита ва билвосита солиқлар маъмуриятчилигини ташкил этиш ҳамда янада такомиллаштириш бўйича амалдаги қонунчилик нормалари юзасидан айрим масалалар таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда бюджетга тушган жами солиқ тушумлари 165 918 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 72 705 млрд сўми (43,8 %) бевосита солиқлар ҳиссасига тўғри келган. Бунда бевосита солиқларнинг жами тушумидаги фойда солиғи улуши 40 779 млрд сўмни (56,1 %), даромад солиғи улуши 29 518 млрд сўмни (40,6 %) ва айланмадан олинadиган солиқ улуши 2 407 млрд сўмни (3,3 %) ташкил этган.

Шунингдек, тушган жами солиқ тушумлари жорий йилнинг 1 чорагида 40 328 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 18 036 млрд сўми (44,7 %) бевосита солиқлар ҳиссасига тўғри келган. Бунда бевосита солиқларнинг жами тушумидаги фойда солиғи улуши 9 697 млрд сўмни (53,8 %), даромад солиғи улуши 7 745 млрд сўмни (43,0 %) ва айланмадан олинadиган солиқ улуши 594 млрд сўмни (3,2 %) ташкил этган. Мос равишда тушган жами солиқ тушумлари жорий йилнинг 2 чорагида 45 458 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 19 418 млрд сўми (30,8 %) бевосита солиқлар ҳиссасига тўғри келган. Бунда бевосита солиқларнинг жами тушумидаги фойда солиғи улуши 9 474 млрд сўмни (48,8 %), даромад солиғи улуши 9 188 млрд сўмни (47,3 %) ва айланмадан олинadиган солиқ улуши 756 млрд сўмни (3,9 %) ташкил этган.

Бевосита солиқлар тушумлари ҳақида маълумот⁶

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-132-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

⁶ Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари

1-жадвал
млрд.сўм

Номи	2023 йил (тушум)	2024 йил (прогноз)	2024 йил 1 чорак (тушум)	2024 йил 2 чорак (тушум)
Бюджетга тушумлар (жами)	165 918 (100 %)	270 703,1 (100 %)	40 328 (100 %)	45 458 (100 %)
Бевосита солиқлар	72 705 (43,8 %)	85 610,9 (31,6 %)	18 036 (44,7 %)	19 418 (30,8 %)
Фойда солиғи	40 779 (56,1 %)	44 282,7 (51,8 %)	9 697 (53,8 %)	9 474 (48,8 %)
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	29 518 (40,6 %)	38 477,0 (44,9 %)	7 745 (43,0 %)	9 188 (47,3 %)
Айланмадан олинадиган солиқ	2 407 (3,3 %)	2 851,1 (3,3 %)	594 (3,2 %)	756 (3,9 %)

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда бюджетга тушиши кутилаётган жами солиқ тушумлари 200 703,1 млрд сўмни ташкил этиши режалаштирилган бўлиб, шундан 85 610,9 млрд сўмини (31,6 %) бевосита солиқлар ташкил қилиши прогноз қилинган. Бунда бевосита солиқларнинг жами тушумидаги фойда солиғи улуши 44 282,7 млрд сўмни (51,8 %), даромад солиғи улуши 38 477,0 млрд сўмни (44,9 %) ва айланмадан олинадиган солиқ улуши 2 851,1 млрд сўмни (3,3 %) ташкил этиши режалаштирилган.

Ресурс солиқлари тушумлари ҳақида маълумот⁷

2-жадвал
млрд.сўм

Номи	2023 йил (тушум)	2024 йил (прогноз)	2024 йил 1 чорак (тушум)	2024 йил 2 чорак (тушум)
Бюджетга тушумлар (жами)	165 918 (100 %)	270 703,1 (100 %)	40 328 (100 %)	45 458 (100 %)
Ресурс солиқлари	28 079 (16,9 %)	31 831,3 (27,3 %)	8 072 (20,0 %)	8 266 (18,2 %)
Ер солиғи	6 890 (24,5 %)	7 171,1 (22,5 %)	1 853 (22,9 %)	2 169 (26,3 %)
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15 300 (54,6 %)	16 684,2 (52,4 %)	4 261 (52,8 %)	4 104 (49,6 %)
Мол-мулк солиғи	5 098 (18,1 %)	6 715,0 (21,1 %)	1 718 (21,3 %)	1 807 (21,9 %)
Сув ресурсларидан	791	1 261,1	240	186

асосида тайёрланди.

⁷ Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

фойдаланганлик учун солиқ	(2,8 %)	(4,0 %)	(3,0 %)	(2,2 %)
---------------------------	---------	---------	---------	---------

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда бюджетга тушиши кутилаётган жами солиқ тушумлари 200 703,1 млрд сўмни ташкил этиши режалаштирилган бўлиб, шундан 31 831,3 млрд сўмини (27,3 %) ресурс солиқлари ташкил қилиши прогноз қилинган.

Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда бюджетга тушган жами солиқ тушумлари 165 918 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 49 116 млрд сўми (29,6 %) билвосита солиқлар ҳиссасига тўғри келган. Бунда жами тушумдаги қўшилган қиймат солиғи улуши 33 983 млрд сўмни (20,5 %) ва акциз солиғи улуши 15 133 млрд сўмни (9,1 %) ташкил этган. Шунингдек, билвосита солиқларнинг жами тушумлари таркибида қўшилган қиймат солиғи улуши 69,2 % ни акциз солиғининг улуши эса 30,8 % ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, тушган жами солиқ тушумлари жорий йилнинг 1 чорагида 40 328 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 11 839 млрд сўми (47,7 %) билвосита солиқлар ҳиссасига тўғри келган. Бунда жами тушумдаги қўшилган қиймат солиғи улуши 8 382 млрд сўмни (20,8 %) ва акциз солиғи улуши 3 457 млрд сўмни (8,6 %) ташкил этган. Шунингдек, билвосита солиқларнинг жами тушумлари таркибида қўшилган қиймат солиғи улуши 70,8 % ни акциз солиғининг улуши эса 29,2 % ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Мос равишда тушган жами солиқ тушумлари жорий йилнинг 2 чорагида 45 458 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 14 005 млрд сўми (30,8 %) билвосита солиқлар ҳиссасига тўғри келган. Бунда жами тушумдаги қўшилган қиймат солиғи улуши 9 425 млрд сўмни (20,7 %) ва акциз солиғи улуши 4 581 млрд сўмни (10,1 %) ташкил этган. Шунингдек, билвосита солиқларнинг жами тушумлари таркибида қўшилган қиймат солиғи улуши 67,3 % ни акциз солиғининг улуши эса 32,7 % ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Билвосита солиқлар тушумлари ҳақида маълумот⁸

3-жадвал
млрд.сўм

Т/Р	Номи	2023 йил (тушум)	2024 йил (прогноз)	2024 йил 1 чорак (тушум)	2024 йил 2 чорак (тушум)
1	Бюджетга тушумлар (жами)	165 918 (100 %)	270 703,1 (100 %)	40 328 (100 %)	45 458 (100 %)
2	Билвосита солиқлар (жами тушумдаги улуши)	49 116 (29,6 %)	111 654,5 (41,2 %)	11 839 (44,7 %)	14 005 (30,8 %)
3	Қўшилган қиймат солиғи (жами тушумдаги улуши)	33 983 (20,5 %)	74 045,7 (27,3 %)	8 382 (20,8 %)	9 425 (20,7 %)

⁸ Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

4	Қўшилган қиймат солиғининг билвосита солиқлар жами тушумидаги улуши (фоизда)	69,2 %	66,2 %	70,8 %	67,3 %
5	Акциз солиғи (жами тушумдаги улуши)	15 133 (9,1 %)	22 769,2 (8,4 %)	3 457 (8,6 %)	4 581 (10,1 %)
6	Акциз солиғининг билвосита солиқлар жами тушумидаги улуши (фоизда)	30,8 %	20,4 %	29,2 %	32,7 %

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда бюджетга тушган жами солиқ тушумлари 200 703,1 млрд сўмни ташкил этиши режалаштирилган бўлиб, шундан 111 654,5 млрд сўмини (41,2 %) билвосита солиқлар ташкил қилиши прогноз қилинган. Бунда жами тушумдаги қўшилган қиймат солиғи улуши 74 045,7 млрд сўмни (27,3 %) ташкил этиши, акциз солиғи улуши эса 22 769,2 млрд сўмни (8,4 %) ташкил этиши прогноз қилинган. Шунингдек, билвосита солиқларнинг жами тушумлари таркибида қўшилган қиймат солиғи улуши 66,2 % ни акциз солиғининг улуши эса 20,4 % ни ташкил этиши прогноз қилинган.

Статистик маълумотларга асосланиб хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, бевосита ва билвосита солиқлар тушумлари бюджет даромадларининг муҳим фискал асоси ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Тегишли қонун-ҳужжатлари ўрганилганда 2024 йилдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида ёки товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида 100 миллион сўмдан ошган кундан эътиборан Солиқ кодекси мақсадида яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиққа тортиш амалиёти жорий этилганлиги маълум бўлди. Мазкур тартиб яқка тартибдаги тадбиркор ва ўз-ўзини банд қилган шахслар учун солиқ солишда тенг шароитлар яратиш мақсадида киритилган, деган хулосага келинди.

Шунингдек, ўрганишлар давомида солиққа тортиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулклар бўйича жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғига тортиш базаси юридик шахслардаги каби 1 кв метри учун белгиланган мутлақ қийматдан паст бўлмаслик шарти белгиланганлиги маълум бўлди. Мазкур тартибнинг жорий этилиши натижасида яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектларини солиққа тортишда, уларни жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлишидан қатъи назар тенг шароитлар яратилишига ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни 1 кв. метр кўчмас мулкнинг минимал қийматидан келиб чиқиб тўлаш жорий этилиши билан амалда

юридик шахслар томонидан камроқ солиқ тўлаш мақсадида жисмоний шахсларга кўчмас мулкни қайта рўйхатдан ўтказиш ҳолатлари олди олинishi каби ижобий натижаларга олиб келган, деган хулосага келинди.

Ресурс солиқлари бўйича ставкаларнинг индексация қилиниши эса, ўз навбатида маҳаллий бюджетлар даромад базасини ошириш ва бюджетнинг умумий даромадларида ушбу солиқларнинг улушини сақлаб қолиш мақсадида белгиланганлиги маълум бўлди.

Юқорида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида жорий йил 20 август куни ўтказилган навбатдаги учрашувида тадбиркорлик учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича муҳим янги ташаббуслар билдирилиб ўтилганлигини, жумладан, бизнесни инфратузилма, ер ва энергия билан таъминлаш, ички бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш, ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда хизматлар соҳасига янги туртки бериш каби бир қатор йўналишларда ташаббуслар илгари сурилганлигини айтиб ўтган эдик. Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари доирасида тегишли қонун-ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилган ҳолда амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ёрдамчи бино ва иншоотлар жойлашган ер участкаларига нисбатан солиқ солишни такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ёрдамчи бино ва иншоотлар жойлашган ер участкаларига нисбатан ер участкалари ва капитал қурилиш объектларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари классификатори асосида табақалаштирилган солиқ солиш тартибини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида олиб борилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида бевосита ва билвосита солиқларни ҳисобга олиш ҳамда солиқ маъмуриятчилиги тизимининг айрим жиҳатларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ўрганилганда қўшилган қиймат солиғи ҳамда акциз солиғи бўйича кўзда тутилган солиқ имтиёзлари ва бошқа солиқ маъмуриятчилигини тартибга солишга оид айрим қоидаларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ҳамда қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди. Бундан ташқари қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплашнинг амалдаги тартибини янада такомиллаштирилиши мамлакатимиз бизнес муҳитига янада ижобий таъсир кўрсатиши билан аҳамиятлидир. Айтмоқчимизки, Солиқ кодексида бевосита ва билвосита солиқлар бўйича кўзда тутилган айрим имтиёзлар ва бошқа солиқ маъмуриятчилигини тартибга солишга оид айрим қоидаларни такомиллаштиришга қаратилган, амалдаги қонунчилик нормаларига зарур ўзгартириш ҳамда қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келинди.

Бизнинг фикримизча, бевосита ва билвосита солиқлар бўйича солиқ маъмуриятчилигининг такомиллаштирилиб борилиши тадбиркорлик субъектлари ва жамият манфаатларига ижобий хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солиқ кодекси, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

3. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 489-сонли қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-132-сон Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-422-сонли қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг расмий сайти (<https://soliq.uz>).

Copyright © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

